

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИНТЕРНЕТНИНГ МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖЛАР ЮКСАЛИШИГА ТАЪСИРИ

**Жамшид Азимович ЖАББОРОВ**

таянч докторант

Қарши Давлат Университети

Қарши, Ўзбекистон

[jamshidshoh@gmail.com](mailto:jamshidshoh@gmail.com)

### Аннотация

Мақолада замонавий технологиялар ва интернетнинг маънавий эҳтиёжлар юксалишига таъсири ёритилган бўлиб, замонавий технология келтириб чиқарадиган салбий оқибатлар, хусусан, технократик қарашлар, сунъий интеллект ижтимоий-фалсафий жиҳатдан илмий таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** маънавий эҳтиёж, технология, интернет, сунъий интеллект, технократик қарашлар.

## ВЛИЯНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И ИНТЕРНЕТА НА РОСТ ДУХОВНЫХ ПОТРЕБНОСТЕЙ

**Жамшид Азимович ЖАББОРОВ**

базовый докторант

Каршинский Государственный Университет

Карши, Узбекистан

[jamshidshoh@gmail.com](mailto:jamshidshoh@gmail.com)

### Аннотация

В статье рассматривается влияние современных технологий и Интернета на рост духовных потребностей, проводится социально-философский анализ негативных последствий современных технологий, в частности, технократических взглядов, искусственного интеллекта.

**Ключевые слова:** духовная потребность, технологии, Интернет, искусственный интеллект, технократические взгляды.

Сўнги йилларда IT-соҳасидаги янгиликлардан хабарсиз қолиш, илм-фан ютуқлари ва кашфиётлардан фойдаланмаслик инсонни, муайян жамият, хаттоки, табиий ресурсларга бой давлатларни ҳам замондан бир неча йиллар орқада қолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Технологиялар тизимида IT-соҳаси етакчилик қилмоқда: давлат бошқаруви, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ( завод ва фабрикалар), ижтимоий институтлар фаолияти, таълим тизими, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт ва ҳоказоларни технологияларсиз тасаввур қилиш мушкул. Замонавий жамиятда транспорт, алоқа ва ахборот тизимида, савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда банк соҳаларида, шунингдек қишлоқ хўжалигида ҳам

мулкчиликнинг барча замонавий шакллари қарор топтириш бевосита технологияларга боғлиқ бўлиб қолди.

Ҳар бир соҳадаги янгиликлар, ихтиролар, ютуқлар бутун инсониятнинг мулкига айланмоқда. Бугунги кунда ҳар қандай аҳамиятли, қизиқ ғоялар, фойдали ва фойдасиз ахборот, технологиялар, маҳсулотларнинг дунё бўйлаб тез тарқалишига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Замонавий жамиятда технологиялар ривожини нафақат ишлаб чиқариш технологиялари, уй-рўзғор буюмлари, товарлар ва ахборотлар тарқалишига, шунингдек, маданий маҳсулотлар истеъмолига ҳам улкан таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, ижтимоий тармоқлар орқали виртуал мулоқотлар, ҳар хил электрон ўйинлар ва оммавий маданиятнинг бошқа стандартлашган, мазмунан саяз, баъзан одамларни чалғитувчи, маънавиятга салбий таъсир кўрсатувчи маҳсулотлар яратилиб, инсонлар томонидан истеъмол қилинмоқда.

Инсоннинг ҳар қандай эҳтиёжларининг қондирилиши ва юксалиши жамиятдаги ижобий ўзгаришлар билан ҳамроҳанг тарзда давом этади. Лекин, технологиялар ривожланиши инсоният тақдири учун кўплаб хавотирли ҳолатларни ҳам юзага келтирмоқда, технократик қарашлар устунлик қилишига, инсоний муносабатлар таназзулга учрашига, бегоналашиш кучайиб, ахлоқий меъёрлар дарз кетишига олиб келмоқда.

Технократик қарашлар, А.Эркаев таъкидлаганидек, умуман олганда жамият ва инсонга, маънавий ҳаётга бирёқлама ёндашувдир. Технократик қарашлар биринчи навбатда инсоннинг кўнгил дунёсини, инсоннинг туйғулари, кечинмалари, эҳтиросларини, улар билан боғлиқ орзу-ҳавасларини инкор қилади, ёки уларга иккинчи даражали ҳодиса, инсоннинг заифлиги, деб қарайди. Устуворлик ақл, билим, аниқ ва реал ҳисоб-китоб асосида пухта ишлаб чиқилган режа (орзу-ҳавасга эмас)га берилади. Технократик қарашлар ўз баҳоларида мақсадга мувофиқлик тамойилга таянади. Технократик қарашларга мувофиқ маданият маҳсулотлари, адабиёт ва санъат асарлари фақат одамларнинг маълум ахборотга нисбатан

эхтиёжини қондиради, овутади, дам олдиради, бўш вақтини тўлдиради, рухий ва жисмоний чарчоғини чиқариб организмнинг функцияларини тиклайди. Шу сабабли улар керакли ва фойдали. Лекин улар жамиятнинг бирорта жиддий муаммосини ечиб беролмайди. Шу сабабдан иккиламчи аҳамиятга эга. Технократик қарашлар адабиёт ва санъатнинг инсон руҳияти, кашфиёти ва яратувчанлигини, нозик туйғулари, қудратли эхтирослари эканлигини яхши тушунмайди. Инсон инсоний туйғуларсиз – уят, ҳаё, виждон амри, виждон азоби, бурч, адолат, гўзаллик, меҳр-оқибат, муҳаббат, ҳамдардлик, ҳайрихоҳлик ва шу каби туйғуларсиз ҳайвондан фарқ қилмас эди [3].

Технократик қарашлар устунлик қилиб, анъанавий кадриятлар – оилавий, қариндошлик, дўстлик, ўртоқлик, аксарият ахлоқий, эстетик кадриятлар инкор қилинган жойда оила ва никоҳ институти емирилмоқда.

Постмодерн жамият зиддиятларидан, балки, потенциал тарзда энг ҳавфлиси миллий ва умуминсоний мумтоз кадриятлар деформацияга учраётгани қаторида сунъий интеллектнинг инсон онгига, эхтиёжлари қондирилишида қарама-қарши тенденцияларни келтириб чиқаришидир. Сунъий интеллект бир томондан, инсонга мураккаб техник, когнитив масалаларни ечишда ёрдам беради. Аммо, иккинчи томондан, уни компьютернинг ёки мураккаб смарт-техник қурилманинг бир бўлагига айланиб қолиш ҳавфини туғдиради. Ушбу муносабат билан Э.Фромм фикрича, ўтмишда ҳавф шунда эдики, инсон қулга айлантирилар эди, келажак ҳавфи шундаки, одамлар роботга айланиши мумкин [2;480].

Сунъий интеллект – бу глобаллашув жараёнлари таъсирида кенг эътибор қилинаётган, тезкор ҳисоблаш муҳитида алгоритмлар яратиш ва қўллаш орқали инсоннинг ақл-идрок жараёнларини технологияларга кўчириш, содда қилиб айтганда, сунъий интеллект технологияларини одам каби ўйлаш ва ечим топишга йўналтирилган жараёндир. Ҳозирги сунъий интеллект (СИ) инсон яратган дастурларга тўла қарам, дастурдан четга чиқа олмайди.

Бугунги кунда, одамлар ва машиналар фаолияти натижасида ҳосил бўлаётган маълумотлар ҳажми, одамларни ушбу маълумотларни ўзлаштириши, талқин қилиши ва мураккаб қарорларни қабул қилиши инсоннинг ақлий даражасига оғирлик қилмоқда. Сунъий интеллект ёрдамида компьютерлар ва робот инсон учун мураккаб муаммоларни сониялар ичида ечиб беришга, турли илмий башоратларни яратишга хизмат қилмоқда. Сунъий интеллект ривожланган давлатларнинг барча соҳаларига кириб бормоқда. Айниқса, иқтисодий соҳаларда тўғри ечим топиши, келажакда турли иқтисодий инқирозларга дуч келмаслиги, бизнес соҳасида келажак башоратларини ўрганиш, молиявий хизматларда фирибгарликни аниқлаш, чакана савдода маҳсулотларга эҳтиёжни башорат қилиш, миждозлар билан онлайн мулоқат қилиш ёки масофавий қўллаб-қувватлаш хизматларини амалга ошириш учун сунъий интеллект технологияларидан кенг фойдаланилмоқда.

Сунъий интеллектнинг фойдали жиҳатлари билан бир қаторда унинг инсоният учун зарарли томонлари олимлар томонидан кенг тадқиқ этилмоқда. Инсоннинг технологияларга қарам бўлиши, ақлли технологияларнинг инсоният устидан ҳукмронлик қилишига олиб келиши, шунингдек, оммавий ишсизлик кўрсаткичлари ошиб кетиши энг катта муаммо сифатида эътироф этилмоқда. Сунъий интеллектнинг маданий ишлаб чиқариш соҳаларига салбий таъсири кузатилиши мумкин. Инсоннинг меҳнат қилиш эҳтиёжи (моддий ва маънавий маҳсулотларни яратиш, турли хизматлар кўрсатиш ва бошқа соҳалар) хавф остида қолади (ишлаб чиқариш тизимида роботлар асосий ўринни эгаллайди).

IT-соҳасида фаолият кўрсатаётган баъзи миллиардерлар ҳам сунъий интеллектнинг инсоният учун ҳавфли томонларини санаб ўтишди. Жумладан, SpaceX асосчиси Илон Маск сунъий интеллектнинг бутун бошли цивилизацияни барбод қилишига ишончи комил. Унинг фикрича, сунъий интеллект инсоният цивилизациясининг асосий хавфидир. Сунъий интеллект келтириб чиқарадиган оммавий муаммоларнинг асоси меҳнат қилиш

эхтиёжи билан боғлиқ. Чунки, роботлар барча топшириқни инсондан кўра яхшироқ ва сифатлироқ бажара олади. Замонавий технологиялар ортидан куйиш натижасида, гигант технологик компаниялар сунъий интеллект ортидан келиб чиқадиган хавф-хатарни кўрмай қолишлари, пайдо бўладиган умуминсоний муаммоларнинг ечими топилмаслиги мумкин [5].

Microsoft раҳбари Билл Гейтс фикрича, бир неча ўн йилдан сўнг, роботлар ишнинг катта қисмини бажара бошлагач, сунъий интеллект шу кадар кучайиб кетадики, яқунда у бизни хавотирга сола бошлайди [5].

Юқоридаги бандларда ИТ-соҳаси ҳақида фикр билдирдик, унинг инсонларга ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил қилдик. Замонавий технологияларни интернетсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Жамиятнинг ҳар бир соҳасида интернет кириб борган: таълим тизими, иқтисодиёт, сиёсий фаолият, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва ҳоказо.

Инсонларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишда интернет тармоғидан фойдаланиш ўзининг самарасини бермоқда. Шу жиҳатларини ҳисобга олиб М.Қуронов глобал тармоқнинг қуйидаги ижобий жиҳатларини санаб ўтади: энг оммавий, тезкор маълумот олиш манбаи; реал вақт режимида чексиз норасмий мулоқот воситаси; кўнгилочар ўйинлар (музыка, видео ўйинлар ваб.); реклама ва тижорат учун қулай восита; интеллектуал, ижодий қобилиятларини ривожлантиради; масофавий таълим имконини беради [4;96-97].

Фикримизча, интернет тизими жамият маънавий ҳаётига кенг кўламда ижобий (одамлар дунё гўзаллигидан баҳра олиши (виртуал саёҳатлар), кино ёки шоулар томоша қилиши, мусиқалар тинглаши, музейлардаги экспонатлар, санъат асарларини баҳолаши, дунёнинг исталган кутубхонасидаги китоблардан, архив ҳужжатларидан фойдаланиши, таълим олиш, масофадан ўқиш, турли конференцияларда қатнашиш, йиғилишлар ўтказиш, фикрлар ва ғоялар билан ўртоқлашиш имкониятларнинг вужудга келиши) таъсир ўтказади. Интернетдаги ижтимоий тармоқлар орқали сиз ўз яқинларингиз билан суҳбатлашиш, овозли хабар ёки расм, видео хабар

орқали бир-бирингиздан ҳол-аҳвол сўраб туриш (виртуал алоқа орқали орадаги масофа “минимум даражада қисқаради”), ўзингизга ҳамсухбат, маслақдош топишингиз, бўш вақтларингизда турли хил электрон ўйинлар билан машғул бўлиш имкониятингиз бор. Инсониятни қизиқтирган ҳар қандай ахборотларни: иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, маданий-маънавий мазмундаги маълумотларни топиш, ундан фойдаланиш тезлашди ва осонлашди. Ер юзидаги барча ҳукумат, жамоат ва нодавлат ташкилотларнинг фаолияти интернет билан боғланди. Қисқача қилиб айтганда, интернет – XXI аср одамлари учун маданий маҳсулотлар яратувчи ва маънавий эҳтиёжларини қондирувчи асосий воситасига айланди.

Интернет – глобал тизим бўлиб, инсонларнинг реал воқелиги, ҳаётининг фаолияти виртуал ҳаётга кўчиб боради, бу уларнинг замонавий технологиялар, интернетга қарамлигини оширади.

Доимий равишда интернет тармоғига жойлаштирилиб борилаётган барча ахборотлар ичидан салбий мазмунга эга (мазмунан саёз, ғоявий жиҳатдан шубҳали, ҳатто зарарли, сиёсий ва диний экстремизм, ахлоқий бузуқлик, зўравонлик ва фаҳшни тарғиб этувчи, инсон маънавиятини зарарловчи материаллар) маҳсулотлар ва маълумотлар жуда катта ҳажмга (барча информацияларнинг 65% идан кўпроқ) эгадир. Интернет тармоқларидан ахборот қидирувчи ҳар учта одамдан биттаси порнографик маълумотларни излаб кўради [6]. Афсуски, интернет тармоқларидан ёвуз ниятли кишилар ҳам ўз мақсадлари йўлида фойдаланишмоқда. Халқаро ва миллий террористик гуруҳлар, этник шовинистик гуруҳлар ўз сафига айрим ёшларни ёллашда интернет ёрдамида суянмоқдалар. Тизим орқали ўз ғояларига ишлов бериш, тарқатиш тез, осон ва арзон тарзда амалга оширилмоқда. Турли қатлам вакилларининг (асосан, ёшлар) эҳтиёжлари носоғлом маънавий маҳсулотлар ёрдамида қондирилмоқда, уларнинг дунёқараши ёт ғоялар таъсирида шакллантирилмоқда.

Баъзи кишилар реал, жонли ҳаётдан, мулоқотдан кўра, ўзларининг кўп вақтини интернетнинг виртуал, ҳаёлот дунёсида, виртуал мулоқотда

ўтказмоқдалар. Бугунги кунда дунё аҳолисининг кўпгина қисми асосий вақтларини компьютер, интернет ва турли видеоўйинларга сарфлашлари, уларнинг замонавий технологияларга бўлган тобелигини келтириб чиқармоқда. Жумладан, 2016 йилда ушбу ҳолат Европа аҳолисининг 48%да кузатилган бўлса, Америкада 72%, Осиёда эса 50%ни ташкил қилган. Видеоўйинларга ўта берилиб кетиш оқибатида экстремал вазиятлар, яъни ҳафта давомида 50 соат ўйин ўйнаш натижасида тобеликка тушиш ҳолати янада ортмоқда (Америкада 4%, Осиёда 24%). Шу боис 2018 йилда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти турли компьютер ўйинларига берилиб кетиш руҳий касаллик, деб тан олишини ва Халқаро касалликлар таснифига (ХКТ) киритилишини эълон қилди [1].

Ижтимоий тармоқлар орқали ёши чегараланмаган истеъмолчилар улардан турли мақсадларда фойдаланмоқдалар. Турли-туман хорижий сайтлар бузғунчилик, террорчилик, беҳаёлик, экстремизм, фундаментализм каби ёт ғояларни ёйишга хизмат қилмоқда. Буларга эътиборсиз муносабатда бўлиш мумкин эмас. Бугунги кун олимларини ўйлантираётган долзарб муаммоларидан бири бу гедонизмдир. Гедонизм тараллабеодларча яшаш, ёшлик завқини суриб, меҳнатсиз ҳаёт кечиришни (роҳатланиш, айш-ишратдан иборат, деган ўта бачкана ғоя) тарғиб қилувчи қараш. Унда, асосан, инсоннинг майл ва эҳтиёжлари жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрларга қарама-қарши қўйилади, инсоннинг эркинлигини чекловчи ва унинг ўзига хос хусусиятларини намоёйиш этишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шарт ва меъёрларни инкор қилади. Бу эса ёшларимиз учун ўта хавфли ғоядир

Ҳар қандай нарсада, воқеа, жараёнда меъёр бузилса, тескари оқибатларга олиб келади. Бундай ҳолларда интернет инсон маънавий оламини бойитиш ўрнига уни бирёқлама, хаёлотга, виртуалликка тобе қилиб қўяди. Инсон психикасини бузувчи ғоялар, салбий мазмундаги ахборот зарари шундоққина кўриниб турибди. Улар инсон маънавиятини, шахсини бевосита емиради. Бузғунчи сиёсий ва экстремистик ғоялар билан захарланган кишилар, душманларини ҳеч иккиланмасдан отиб, уриб,

ўлдириб кетадиган суперменларни электрон ўйинларда, кинокартиналарда кўриб ўсган болалар ваҳший қотилларга айланаётгани, уларнинг онги, тафаккури, кадриятлар тизими тўлиқ деформациялашгани тўғрисида бугун ҳамма билади.

Интернетнинг, ахборот технологияларининг инсон маънавиятига таъсири ҳақида яна кўп гапириш, ёки сон-саноксиз мисоллар келтириш мумкин [3].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, замонавий технологияларнинг инсонга салбий таъсирини минималлаштиришга эришиш учун таълим-тарбия, биринчи галда маънавий тарбия мазмунини, усул ва воситаларини замон талабларини ҳисобга олиб такомиллаштириш зарур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Рахимова И.И. Компьютер ўйинларига тобеликнинг психологик хусусиятлари: псих.фан.бўйича (PhD) фал. доктори дисс. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2018. – 24 б.
2. Фромм, Эрих. Здоровое общество. – Москва: АСТ, 2006. – 544 с.
3. Эркаев А. Маънавиятшунослик. 2- китоб. – Тошкент: Маънавият, 2018. – 453 б.
4. Қуронов М. Огоҳлик: тарих ва замон сабоқлари.–Тошкент: Маънавият, 2015. – 150 б.
5. <https://www.terabayt.uz/post/suniy-intellekt-insoniyatga-nima-beradi>
6. <https://malumot.ru/internet-haqida-siz-bilgan-va-bilmagan-5-ta-qiziqarli-malumot>